

---

## Ишсиз аёлларга тикув машиналари берилди.

Данғара туманидаги маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, эҳтиёжманд, кам таъминланган оилаларнинг доимий даромад манбаини шакллантириш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда.

Данғара туманидаги ҳоким ёрдамчилари тавсиясига асосан 20 нафар “Аёллар дафтари”га киритилган ижтимоий-ҳимояга мухтож, ишсиз ҳамда касб-ҳунарга ўқитилган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида субсидия асосида тикув машиналари туман ҳокими томонидан топширилди.

Энди ана шу аёллар ўз хонадонидан тикувчилик билан шуғулланиб, оиласига қўшимча даромад киритиш имконига эга бўлди.

---

2023-12-05 13:56:37